O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

FARG'ONA VILOYATI
HOKIMINING
**QARORI**

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**
ХОКИМА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2015 yil "14" февраль № 58

Farg'ona shahri

**Вилоятнинг қишлоқ ҳудуди аҳолисига ичимлик сув тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишлари тўғрисида**

Шаҳар ва туманларда ўтказилган сайёр қабуллар натижасида вилоятнинг Боғдод, Бешариқ, Данғара, Риштон, Фурқат, Тошлоқ, Ёзёвон, Фарғона, Қува, Ўзбекистон, Учкўприк, Қўштепа туманларидаги бир қатор аҳоли пунктларида ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжудлиги тўғрисида мурожаатлар келиб тушган.

Фуқаролар томонидан янги аҳоли яшаш пунктлари учун сифатли ичимлик суви тармоқларини тортиш, янги тик қудуқлар қазиш ва сув минораларини ўрнатиш мавжудлиги маълум бўлди.

Юқоридаги кўрсатиб ўтилган масалаларни ҳал этиш ва ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Туманларда ўтказилган сайёр қабуллар натижасида аҳолини мурожаатларидан келиб чиқиб, қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган манзилли дастур 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Дастур ижросини вилоят "Сувоқава" ҳудудий бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

3. Вилоят "Сувоқава" ҳудудий бошқармаси (Юлдашев), вилоят Гидрогеология экспедицияси давлат корхонаси (Бегматов) ва вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси (Мирзаев) билан биргаликда мазкур объектлар бўйича ўн кун муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсинлар.

4. Вилоят "Сувоқава" ҳудудий бошқармаси (Юлдашев)га:

аҳоли пунктларида ичимлик суви объектларидаги қурилиш ишларини 2015 йилнинг сентябр ойига қадар якунлашни инобатга олган ҳолда **тармоқ жадвалларини** ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

янги қурилаётган ичимлик сув иншоотлари ва тармоқларини ҳудудий "Сувоқава" бўлимлари томонидан фойдаланишга қабул қилинишини таъминлаш;

қурилиши тугатилган объектларни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари таркибига жамоатчилик (қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидан) вакилларини киритсин.

5. Ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини назорат қилиб бориш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Зокиров зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими** **Ш.Ғаниев**

Вилоят ҳокимининг 2015 йил
_____февралдаги №_____сонли
қарорига илова

**Фарғона вилоятидаги аҳоли яшаш пунктларини ичимлик сув таъминотини яхшилаш бўйича ташкилот маблағлари ҳисобидан 2015 йилда амалга ошириладиган ишлар**

**РЕЖАСИ**

| № | Ҳудудлар номи | Ичимлик сув таъминоти | | Қудуқ, дона | | Сув насослари, дона | | Сув минораси, дона | | Сув тармоқлари, км | | Сарфланадиган маблағ (млн.сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | аҳоли пунктлари сони, дона | аҳоли сони, минг киши | қуриш | таъмир-лаш | янги ўрнатиш | таъмир-лаш | қуриш | таъмир-лаш | қуриш | таъмир-лаш | |
| | **Вилоят бўйича жами** | **28** | **23,9** | **14** | **2** | **15** | | **10** | **2** | **23,0** | | **3 643,0** |
| | **Боғдод тумани** | **3** | **2,3** | **3** | | | | | | | | **360,0** |
| 1 | Матқулобод ҚФЙ | 1 | 0,4 | 1 | | | | | | | | 120,0 |
| 2 | Чувалангчи ҚФЙ Ирголи МФЙ | 1 | 0,9 | 1 | | | | | | | | 120,0 |
| 3 | Бедарак МФЙ Дўстлик | 1 | 1,0 | 1 | | | | | | | | 120,0 |
| | **Бешариқ тумани** | **2** | **1,1** | **1** | | **1** | | **1** | | **1,1** | | **231,6** |
| 4 | Рапқон ҚФЙ Кўрғонча қишлоғи | 1 | 0,6 | | | | | | | 1,0 | | 56,0 |
| 5 | Товул ҚФЙ Янги ҳаёт қишлоғи | 1 | 0,5 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| | **Данғара тумани** | **1** | **0,7** | | | | | | | **3,0** | | **168,0** |
| 6 | Оқжар ҚФЙ Катта-кўрғонча | 1 | 0,7 | | | | | | | 3,0 | | 168,0 |
| | **Риштон тумани** | **2** | **1,5** | | | | | | | **5,5** | | **308,0** |
| 7 | Ёйилма ҚФЙ | 1 | 0,5 | | | | | | | 2,5 | | 140,0 |
| 8 | Юқори Авазбой қишлоғи | 1 | 1,0 | | | | | | | 3,0 | | 168,0 |
| | **Фурқат тумани** | **2** | **1,9** | **1** | | **2** | | **1** | | **0,1** | | **190,6** |
| 9 | Кармак қишлоғи | 1 | 1,2 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 10 | Тиллотепа қишлоғи | 1 | 0,7 | | | 1 | | | | | | 15,0 |
| | **Тошлоқ тумани** | **1** | **0,9** | | | | | | | **2,0** | | **112,0** |
| 11 | Қумариқ ҚФЙ Қумқишлоқ маҳалласи | 1 | 0,9 | | | | | | | 2,0 | | 112,0 |
| | **Ёзёвон тумани** | **1** | **0,6** | | | | | | | **1,0** | | **56,0** |
| 12 | Гулистон ҚФЙ Сойбўйи кўчаси | 1 | 0,6 | | | | | | | 1,0 | | 56,0 |
| | **Фарғона тумани** | **1** | **0,8** | | | | | | | **0,4** | | **22,4** |
| 13 | Чекшура ҚФЙ | 1 | 0,8 | | | | | | | 0,4 | | 22,4 |

| № | Ҳудудлар номи | Ичимлик сув таъминоти | | Қудуқ, дона | | Сув насослари, дона | | Сув минораси, дона | | Сув тармоқлари, км | | Сарфланадиган маблағ (млн.сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | аҳоли пунктлари сони, дона | аҳоли сони, минг киши | қуриш | таъмир-лаш | янги ўрнатиш | таъмир-лаш | қуриш | таъмир-лаш | қуриш | таъмир-лаш | |
| | **Қува тумани** | **2** | **1,7** | | | | | | | **1,1** | | **61,6** |
| 14 | Тинчлик МФЙ Зайнабхожи | 1 | 1,0 | | | | | | | 0,1 | | 5,6 |
| 15 | Раста МФЙ Ю.Содиқов кўчаси | 1 | 0,7 | | | | | | | 1,0 | | 56,0 |
| | **Ўзбекистон тумани** | **5** | **3,7** | **4** | | **4** | | **3** | | **4,3** | | **885,8** |
| 16 | Нурсух ҚФЙ Оталиқ қишлоғи | 1 | 0,5 | | | | | | | 3,0 | | 168,0 |
| 17 | Яйпан шаҳар Туркистон МФЙ | 1 | 0,8 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 18 | Тагоб ҚФЙ Мош махалласи | 1 | 0,9 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 19 | Конизар ҚФЙ Тўлқин қишлоғи | 1 | 0,6 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 20 | Яккатут МФЙ Янги хаёт | 1 | 0,9 | 1 | | 1 | | | | 1,0 | | 191,0 |
| | **Учкўприк тумани** | **6** | **5,7** | **5** | | **6** | | **5** | | **0,5** | | **893,0** |
| 21 | Палохон ҚФЙ Хон қишлоғи | 1 | 1,0 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 22 | Учкуприк ҚФЙ, Капакўчкор | 1 | 1,1 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 23 | Чорбоғ ҚФЙ Чорбоғ қишлоғи | 1 | 0,7 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 24 | Чорбоғ ҚФЙ Янгиқишлоқ | 1 | 0,8 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| 25 | Ғозиғиждон ҚФЙ Шўх қишлоғи | 1 | 1,0 | | | 1 | | | | | | 15,0 |
| 26 | Ғозиғиждон ҚФЙ Ўзбек | 1 | 1,1 | 1 | | 1 | | 1 | | 0,1 | | 175,6 |
| | **Қўштепа тумани** | **2** | **3,0** | | **2** | **2** | | | **2** | **4,0** | | **354,0** |
| 27 | Дўрмон ҚФЙ Дўрмон қишлоғи | 1 | 1,5 | | 1 | 1 | | | 1 | 2,0 | | 177,0 |
| 28 | Йўлдошобод ҚФЙ Муллақайрағоч қишлоғи | 1 | 1,5 | | 1 | 1 | | | 1 | 2,0 | | 177,0 |